

«Ҳаж-2024»да хизмат қилувчи гуруҳ раҳбарлари учун ўқув семинари ўтказилди



20:14 / 04.05.2024 1539

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти мажлислар залида «Ҳаж-2024» мавсумида зиёратчиларга хизмат қилувчи гуруҳ раҳбарлари учун ўқув семинари ўтказилди.

Семинар олди йиғилишда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари, Тошкент ислом институти ректори, профессор Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов, ЎМИ Масжидлар билан ишлаш бўлими мудир Музаффар Камолов, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Абдуқаҳҳор Юнусов таълим муассасалари ўқитувчи ва ходимлари, Тошкент шаҳар ва вилояти имом-хатибларидан иборат элликбошиларга бу йилги Ҳаж сафари билан боғлиқ ташкилий масалалар юзасидан маълумот беришди.

ТИИ ўқитувчилари Ҳасан Қодиров ва Яҳё Абдурахмонов йиғилишда гуруҳ раҳбарларига Ислоннинг бешинчи рукни бўлган ҳаж ибодати, арконлари, фарзлари, вожиб ва суннатлари борасида зиёратчиларга ўргатилиши лозим бўлган зарур илмларни эслатдилар.

Маълумот учун, ҳаж квотаси 2016 йилда 5 200 нафар бўлган бўлса, 2023 йилга келиб 15 150 тани ташкил қилди.